[redacted]

**Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси**
**А. И. Икрамовга**

# ТАШАККУРНОМА

**Мухтарам Атхам Илхомович!**

Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани, "Олимлар" МФЙга қарашли Зиятов кўчасида фаолият юритаётган **"TARAQQIYOT TAYANCHI"** масъулияти чекланган жамияти (МЧЖ), Сизга шу йил 4-июлдаги 38-сонли хатимиз билан мурожаат қилиб, унда 2014 йилдан буён Республикамизнинг мутасадди рахбарларига ва банкларига, айникса уларнинг Жиззах вилояти филиаллари бошкарувчиларига, кейин виртуал кабулхона оркали куп марталаб мурожаатлар килиб, биореакторининг хажми 80-100 куб метр бўлган биогаз ишлаб чикарадиган ускунани Халкаро тараккиёт ассасацияси (МАР) кредит-гранти маблағлари хисобига 150,0 млн. сўмга сотиб олиб, корхонимизга ўрнатиш ва мавжуд 10 500 бош тухум етиштиришга ихтисосланган товуғимиз ва 48 бош молимиз гунгидан узлуксиз биогаз ва биоугит ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш биринчи Лойихамизни АТ Халқ банки Ғаллаорол филиалига, хамда қуёш нуридан куёш панелларида 9,2 кВт уч фазали электр токи хосил қилиб, даламиздаги артизиан кудукларимиздан сув чиқарадиган замонавий тайёр ускунани Хитойдан 22,5 минг АҚШ долларига сотиб олиб, кудукларимизга ўрнатиш ва 10 гектар лалми еримизни сувли ерга айлантириш ва ёнғоқзор барпо этиш, унинг қатор ораларига ғалла, дуккакли, сабзавот ва бошқа мос келадиган экинларни экиш, улардан хам замонавий сув-энергия-ресурстежамкор техника-технологияларимиз билан йилига камида икки марталан юкори-мўл, арзон, сифатли экспортбоп хосил етиштириш, махсулотлар ишлаб чикариш ва экспорт килиш иккинчи Лойихамизни АТ Қишлоқ қурилиш банки Жиззах вилояти филиалига уларнинг талаби бўйича хужжатлар тупламини тайёрлаб, банкларга топшираолмай, грант маблағини ололмай, сарсон-саргардон бўлиб юрганимиз хақида амалий ёрдамлар беришингизни сураб мурожаат қилган эдик. Палата рахбар-ходимларининг, айникса Раиснинг биринчи ўринбосар Ислом Козимович Жасимовнинг беғараз амалий ёрдамлари туфайли 2014 йилдан буён хал бўлмай чўзилиб келган иккинчи Лойихамизни АТ Қишлоқ қурилиш банкнинг мутасадди рахбарларига тегишли топшириқларини бериб, унинг бажарилишини ўзлари назорат қилиб, бир ойга қолмасдан ижобий хал килиб бердилар. Палата рахбар-ходимларининг ушбу савоб ишларига, аввало Сизга Мухтарам Атхам Илхомович, Ислом Козимовичга, Равшан Бекжоновга ва Палатанинг бутун жамоасига ўзимизнинг чин юракдан самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз ва Сизларга оилавий узок умр, сихат-саломатлик, ута мураккаб, бирок ута шарафли, ута синчковлик талаб килинадиган фаолиятларингизга юксак муваффақиятлар, толмас куч-гайратлар ато этишларини Аллохимиздан хар кунлик бешвакт номозларимизда сўраяпмиз. Ишончимиз комил, Мухтарам Атхам Илхомович, Палатанинг килни кирқ ёрадиган ута билимдон, тажрибакор, ўз касбининг усталари-ишбилармон рахбар-ходимлари, биринчи Лойихамизни хам МАР гранти хисобига АТ Халқ банки оркали ижобий хал килиб берадилар.

Биз эса, Палатасининг ишончли, етакчи, замонавий аъзоси бўлиш, мамлакатимиз аграр тармоғини ва фермерчилигимизни тезрок дунё пахта етиштирувчи тараққий этган давлатларининг фермерлариники даражасига чиқиб олишига кўмаклашиш, ўзимиз яратган комплекс механизацияга асосланган замонавий рақобатбордош сув-энергия-ресурстежамкор техника-технологияларимизни Сизларнинг амалий мададларингиз ёрдамида тезрок жорий килиб, фермерларимизга кўрсатиб, ўзларида қўллаб, юкори, арзон, сифатли экспортбоп хосил етиштиришига, махсулотлар ишлаб чиқаришига амалий ёрдамлар бериш ва тезрок мулкдор бўлишига бошлаш, энг мухими-фермерларимизни дунё илм-фани янгиликлари билан яшашга, тинимсиз интилишга, изланишга етаклашда Палатанинг илмий-амалий Маркази бўлиш харакатидамиз.

Самимий хурмат билан,

**"TARAQQIYOT TAYANCHI" МЧЖ рахбари** [redacted]

[redacted]